



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 17-mart. Seshanba 31 (31.934)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 16 март кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Парламент кўпчилигини ташкил этган демократик кучлар блокига нисбатан фракциянинг нуқтаи-назарини ишлаб чиқиш масаласи муҳокама қилинди.



Самжар ШОТУЛМАНОВ олган суратлар.

ДАВРА СУХБАТИ

Президент сайлови

фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирокини таъминлайди

■ Мамлакатимизда 29 март кунин Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойлардаги учрашувларда халқимиз номзодларнинг дастурлари билан танишмоқда. Шунингдек, улар билан юртимизнинг тараққиётига дахлдор масалаларда фикр алмашмоқда, хоҳиш-истакларини билдирмоқда.

Бугун сайловчиларни, айниқса, ёшларни Президент сайловининг мамлакат ва миллат тақдиридаги аҳамияти, сайловчиларнинг масъулияти, қандай киши Президент бўлиши кераклиги ҳақидаги саволлар кўпроқ қизиқтирмоқда. Шундан келиб чиқиб, сайловчилар, партиямиз аъзолари ҳамда электорат вакиллари бу масалаларда қўшимча маълумот бериш мақсадида таҳририятимизда «ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА БЕВОСИТА ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

3

ЎЗХДП КАБУЛ

ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИНИ ОШКОРА ВА КОНСТРУКТИВ МУҲОКАМА ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИ АМАЛИЁТИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА АЛОҚАДОР ДОЛЗАРБ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ВАЗИФАЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ МАСАЛАЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР КЎРИШ ТАРАФДОРИДИР.

«ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР...»

Сайлов ҳуқуқини амалга оширишингиз учун ҳамма шароит яратиб берилади

Ўз ваколатларини амалга оширишида сайлов комиссияларига кимлар кўмаклашиш ҳуқуқига эга?

Умида ИСРОИЛОВА, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани

Муқаддас РАХМАТУЛЛАЕВА,

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Қонунчиликка асосан, давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар, корхона ва муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишига кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этишга мажбурдир. Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мазкур ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб, уч кунлик муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтариши керак бўлади.

2

САЙЛОВ — 2015

УЧАСТКАДА ИШ ҚИЗГИН

■ Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети биносидида жойлашган 63-сайлов участкасида 29 март кунин бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Участка комиссиясининг самарали фойлият кўрсатиши учун бинода барча шарт-шароит яратилган. Замоновий компьютер ва алоқа воситалари, зарур мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Участкага Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид

қонунлар ва қўлланмалар, чарқурув қўғозлари, сайлов варақалари ва сайловчилар учун тақлифномалар етказиб берилган.

— Ҳар бир тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган асосий тадбирлар

дастурига мувофиқ, қонунчиликда белгиланган муддатда амалга оширилмоқда, — дейди 63-участка сайлов комиссияси раиси Шокир Рафқоров. — Шу пайтгача маҳалла кўмағида худуддаги сайловчилар рўйхатини шакллантириб, барча танишиши учун қўлай бўлган жойга жойлаштирилди. Бу йилги сайловда худуд бўйича уч нафар ёш биринчи бор сайловда иштирок этади. Ногирон ва беморларнинг ўз уйида овоз беришлари учун имконият яратилмоқда.

Сайлов участкасида тиббиёт, она ва бола хоналари ҳам ташкил этилиб, зарур жиҳозлар

лоҳазалар билдириляпти, саволлар бериляпти.

— Президент сайловига бизнинг ташкилотимиздаги партиямиз аъзолари ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда, — дейди «Навоийазот» очик акциядорлик жамиятида тузилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Гулжамол Сатторов. — Бизнинг номзод ўз дастурида эҳтиёжманд аҳоли манфатларига хизмат қиладиган қатор масалаларни илгари сурган. Айниқса, янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада такомиллаштириш борасидаги тақлифлар аъзоларимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Мазкур бошланғич партия ташкилотта 250 нафар аъзо бирлашган. Улар Президент сайлови билан боғлиқ тарғибот тадбирларида фаол иштирок этмоқда.


Илҳом САТТОВОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



билан таъминланган. Айни пайтда участкада сайловчиларга зарур маълумотларни етказиш ва уларнинг сайловга оид қонунчиликдан хабардорлигини ошириш мақсадида учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:



Муносиб ҳаёт кечиришга интилишни қўллаб-қувватлаш ЛОЗИМ



■ Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари ҳамда партия ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш — долзарб масала

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида парламент муҳолифатини эълон қилиш тўғрисида ахборот

Мажлисида, аввало, мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётгани, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва бошқаришда сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи мустаҳкамланётгани, дастурий мақсадларини амалга ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари таъминланётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2014 йил декабрь ойида ўтказилган парламент сайлови якунларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муносиб ўрин эгаллади, ўзининг фракциясини шакллантирди. Ўзбекистон ХДП ўз Сайловолди дастури ва номзодларини қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг манфаатларини ифода этиш учун зарур имкониятга эга бўлди.

Эндиликда партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифаларини амалга ошириши, бу борада изчил ташаббусларни илгари суриши тақозо этилмоқда.

14 март кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фракциялари парламентда кўпчилиكنи ташкил этувчи Демократик кучлар блокига бирлашиш ҳақида қарор қабул қилди. Улар 2015 йил 23 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболдаги Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашлари ҳақида баёнот берди.

Йиғилишда ЎзХДП фракцияси шу масалаларда ўз позициясини билдирди.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Шу билан бирга, алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳукумат Ҳаракат дастурида кўзда тутилган катор муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида сайловолди дастурида ўз нуқтаи назарини ифодалаган.

ЎзХДП фракцияси партиянинг дастурий вазифаларини инобатга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, аҳоли бarchа қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламнинг турмуш даражасини доимий равишда яхшилаш, ўсиб бораётган иқтисодий салохиятнинг ижтимоий самарадорлигини кучайтириш масалаларида давлатнинг тартибга солувчи ролини мустаҳкамлаш гоёсини илгари суради.

Партия энг кам истёмолат харажатлари (истёмолат саватчаси)

стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилишни, мамлакатдаги ойлик иш ҳақи ва пенсиянинг энг кам миқдорлари мазкур стандартларга мос келишини таъминлашни устувор масалалар, деб ҳисоблайди.

Аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифлари давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш ва мазкур хизматлар нархларини мақбуллаштириш аҳоли фаровонлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир.

Партия, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринлари ташкил этилиши билан боғлиқ дастурларнинг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, аввало, ўрта махсус ва олий таълим муас-

сарлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг барқарор иш ўринлари сони билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш тарафдори эканини билдиради.

Ушбу устувор масалаларда ЎзХДП фракцияси парламентда Демократик кучлар блокига бирлашган партиялар фракцияларининг нуқтаи-назаридан фарқ қиладиган ўз таклифлари ва позициясини олға суришга тайёр.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунларда белгиланган норма-

ларга таяниб, ўзини парламентда кўпчилиكنи ташкил этаётган Демократик кучлар блокига муҳолифат, деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳақда фракциянинг тегишли баёноти тузилди.

Унда партиялараро рақобатнинг қонунда назарда тутилган механизмларидан, сиёсий партиялар фракцияларининг электрат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқ ва ваколатларидан, партияларнинг Сайловолди дастурларини амалга ошириш имкониятларидан самарали фойдаланиш, аввало, давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини изчил ифодалаш, парламентда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнларида бунинг, албатта, инобатга олинишига эришиш масалалари акс этди.

Парламентда Демократик блокка нисбатан муҳолифат сифатида фаолият юритиш ЎзХДП фракциясидан каттиқлик ва талабчанликни, унинг аъзоларидан эса фаоллик ва ташаббускорликни тақозо қилиши таъкидланди.

Шу кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси ўз йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан маҳаллий ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди.

Брифингда фракция фаолиятининг устувор йўналишлари, парламентдаги муҳолифат сифатидаги энг муҳим вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Матбуот хизмати.

САЙЛОВ — 2015

■ Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида яқинлаштирмоқда. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи амалдаги қонунларимизда кафолатлангани, овоз бериш жараёни ҳақида, ҳар биримиз етарли тасаввурга эгамиз, албатта.

«Биз Президентликка ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастурини қўллаб-қувватлаймиз»

Лекин мамлакат келажаги учун овоз берадиган сайловчи сиёсий фаоллик ва масъулият, фуқаролик мажбуриятлари каби тушунчалар тўғрисида ҳам мустақил фикрга, муайян позицияга эга бўлиши муҳим масаладир. Чунки ҳар бир фуқаронинг ўз қараши, сўзи ва нуқтаи назари бўлиши кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришда долзарб аҳамият касб этади. Сайлов кuni ҳар биримиз ўз қатъий сўзимизни айтиб, у ёки бу партия қўрсатган номзодни ёқлаб овоз берамиз эканмиз, нафақат ҳуқуқимиздан фойдаланган, шу билан бирга, сиёсий маданиятимиз, маънавиятимизни билдирган бўламиз.

Шу сингари фикрлар айни кунларда ҳар биримизнинг кўнгилмизда бор, десак хато бўлмайди.

Барфи ОМОНОВА,
Мирзачўл туманидаги «Мирзадала» маҳалласидан, ўй бекаси:

— Сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг дастурлари барчада катта қизиқиш уйғотади, бефарқ қолдирмайди. Шу ўринда ЎзХДПдан кўрсатилган номзод Хотамжон Кетмоновнинг аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш тақдифи эътиборимни тортди. Аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда яшайдиганлар бирламчи тиббий ёрдамдан кулай, тез фойдаланишига қаратилган кишлоқ врачлик пунктлари тармоғини янада кенгайтириш, уларни малакали шифокорлар, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашни узлуксиз яхшилаб бориш, имтиёзли ва бепул асосда тиббий санитария ёрдами кўрсатилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлашимни билдирмоқчиман.

Муҳиддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Галлаорол иқтисодий касб-ҳунар коллежи битирувчиси:

— Мен Президент сайловида илк бор иштирок этаман. Сайловчи сифатида шунинг айтишнинг истардимки, сайловга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, унинг жамият, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги ўрнига етарлича баҳо бермаслик ҳоллари билан келишиб бўлмайди. Менинг овозим ёки қарорим нимани ҳал қиладиган, кўпчилиكنинг овози ичида аҳамиятини йўқотмайди, деган ўй билан эмас, аксинча, сайловнинг тақдирини менинг қарорим, мен каби юзлаб, минглаб сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси ҳал қиладиган, деган фикр, қатъий ишонч билан сайловда қатнашиш керак, деб ўйлайман.

ЎзХДПдан кўрсатилган номзоднинг дастуридан ўрин олган мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга касб танлаши, таълим олиши ва ўқув муассасаларини битиргач, биринчи иш ўрнига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва мақбул шaroитлар яратиш гоёси, менга маъқул бўлди.

Бекназар УСМОНОВ,
Дўстлик туманидаги «Олтин водий» кишлоғидан, меҳнат фахрийси:

— Ёшим саксонда. Узоқ йиллар турли соҳаларда ишладим. Ҳаётни кўриб, кузатиб, озми-кўпми тажриба тўпладим. Яқинда Президентликка номзодларнинг дастурлари билан яхшилаб танишиб чиқдим. Уларнинг ҳар бирида турли йўналишдаги гоёлар, таклифлар айтилган. Ҳар бир дастур мазмун-моҳиятига кўра, халқ фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган. Лекин уларнинг ҳар бирида ўзига хос ёндашув бор. Хотамжон Кетмоновнинг дастурида пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа қатламлари ҳаётини эҳтиёжларини қаноатлантириш, бу борада янада самарали тизим яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Муҳтожга меҳр, кексаларга ҳурмат кўрсатиш ота-боболаримиздан қолган эзгу одат. Шунинг учун мен бу таклифларни чин кўнгилдан қўллаб-қувватлайман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАҚИДА САВОЛИМ БОР...»

Сайлов ҳуқуқини амалга оширишингиз учун ҳамма шароит яратиб берилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ваколатлари нималардан иборат?

Машкура ИКРОМОВА,
Бухоро вилояти, Вобкент тумани

Ёқуб УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Сайловни юксак демократик талаблар ва қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда юқори савияда ўтказишда округ сайлов комиссиялари муҳим ўрин тутади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари тўлиқ амалга ошишида улар зиммасига катта масъулият юкланган.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6-8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Унинг вазифаларига тўхталадиган бўлсак, округ сайлов комиссияси сайлов участкаларини тузади, округ бўйича тартиб рақамини белгилайди ҳамда манзиллини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қиладиган. Шунингдек, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳам айнан мазкур комиссия зиммасидадир.

Биламизки, Қонунчилигимизда Президентликка номзодлар сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун бирдек ҳуқуққа эга. Шундан келиб чиқиб, округ сайлов ко-

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Яқинда бир тadbirkor сайлов арафасида сайловчилар рўйхати тузилиши ҳақида айтиб ўтилди. Бу рўйхатни тузиш тартиби ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

Санобар РАҲМОНОВА,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри

Саттор РАҲМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимиз сайлов тизимида фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириши, номзодларга муносабатини ўз фикри ва қарашидан келиб чиқиб ифода этиши бўйича муҳим кафолатлар яратилган. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кuni 18 ёшга кирган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудда доимий истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киртилади. Сайловчи бошқа сайлов

участкаларида сайловчилар рўйхатида киритилиши мумкин эмас.

Сайловчилар рўйхати сайлов участкасида участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ҳамда унинг раиси, котиби томонидан имзоланади. Комиссия жамоатчилик вакиллари рўйхат тузиш ишида қатнашишга жалб этиши мумкин.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайди. Шунингдек, участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудуд

Мен сайловда биринчи марта иштирок этапман. Шунинг учун сайловни янада яхшироқ тушуниш, Президентликка номзодларнинг дастурлари билан танишиб чиқиш максатидда ҳар кuni ҳудудимиздаги сайлов участкасига бораман. У ерда сайловчилар учун барча шароит яратилгани мени қувонтиради. Яқинда менда бир савол туғилди: сайлов участкаларини тузиш тартиби қандай бўлади?

Темур ҲАСАНОВ,
талаба.


Садоқат АХМАНОВА,
Яшнобод тумани 10-сон давлат нотариал идораси нотариуси:

— Сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларни сайловга оид барча жараёнлар қизиқтириши табиий. Улар овоз беришнинг аҳамиятини чуқур тушуниб олиши учун сайловни ўтказиш тартиби, қоидалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши зарур.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасида айнан сизни қизиқтирган масала баён этилган. Унга мувофиқ, сайлов участкалари ту-

ман, шаҳар ҳокимликлари вакиллари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда эса қисм ёки ҳарбий қўшима командирларининг тақдимномасига биноан ташкил этилади.

Сайлов кuni хизмат сафари билан чет элда бўлган фуқаролар ҳам сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Яъни, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари тузилади. Бундай



■ САЙЛОВ БҮЛЛЕТЕНИ ДАВЛАТ ТИЛИДА ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУОМАЛА ТИЛИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ БЕЛГИЛАГАН ТАРТИБДА ҲАМДА УНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА НАШР ЭТИЛАДИ.



■ ОВОЗ БЕРИШ ВАҚТИ ВА ЖОЙИ ТЎҒРИСИДА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ САЙЛОВЧИЛАРНИ САЙЛОВДАН КАМИДА БЕШ КҮН ОЛДИН ХАБАРДОР ҚИЛИШИ ЛОЗИМ.

Сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, шу билан бирга, сайловчилар, яъни халқимиз учун ҳам катта синов, катта имтиҳондир

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 17-mart. Seshanba
31 (31.934)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

ДАВРА СУҲБАТИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирокини таъминлайди



Давра суҳбатини
«Ўзбекистон овози» ва
«Голос Ўзбекистана»
газеталари Бош муҳаррири
Сафар ОСТОНОВ олиб борди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида муҳим тарихий воқеа — Президент сайловиغا қизгин тайёр-гарлик кўрилмоқда. Президент-лика номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари билан бўлаётган учрашуларда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, уларда мамлакат тақдирини учун дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани ақол кўринмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш фуқароларнинг ихтиёрий равишда яширин овоз бериши орқали амалга оширилади. Яъни, қайси номзодга овоз беришни

сайловчининг ўзи мустақил ҳал этади.

Сайловчи кимга ва нима учун овоз бериши кераклигини, овоз беришда қайси мезондан келиб чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлашни аниқ тушуниб етиши Президентликка муносиб киши сайланишини ҳал этади.

Шу ўринда сайловчи аввало, Президент сайлови аҳамиятини чуқур англаши керак бўлади. Мамлакатнинг тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятида тутадиган ўрни, миллий хавфсизлиги, фуқаролар ҳаёти эртага қандай бўлиши кўп жиҳатдан Президентга боғлиқ.

Айниқса, ҳаёт шиддат билан ўзгариб, дунёда ижтимоий-иқтисодий муаммолар кескинлашиб, геосиёсий манфаатлар кучайиб бораётган ҳозирги жараёнда мамлакатда ким Президент бўлиши ўта муҳим аҳамиятга эга эканини ҳар бир сайловчи чуқур англаши талаб этилади.

Бугунги Давра суҳбатидида кўзланган мақсад ҳам сайловчиларга, айниқса, ёшларга Президентлик институтининг аҳамияти, Президентнинг мамлакат бошқарувида тугган ўрни, сайловчиларнинг масъулияти тўғрисида қўшимча маълумотлар бериш, сайловчи ўз сайлов ҳуқуқидан фойдаланаётганда нималарга эътибор қаратиши лозимлиги тўғрисида фикр алмашидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги Қонунлар орқали давлат раҳбарини сайлаш тартиби, бунда фуқаролар, сиёсий партиялар ва номзодларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Бош Қомусимизга асосан Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда таъкил этиш йўли билан иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли орқали амалга оширилади. 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайловда қатнашиш, овоз бериш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий аҳоли, ирқий ёки миллий мансублиги, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ёхуд хусусиятига қараб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки бевосита чеклаш таъқиқланади.

Конституцияимизнинг 19 бобида Президентнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига риоя этилишининг кафолидир, деб қайд этилган.

Қонун устувор бўлган ҳар қандай демократик давлатда, аввало, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши керак. Шу маънода мамлакат Президентини жамиятда адолат ва ҳақонийлик принциплари устувор бўлишига, ҳар бир тизим мукамал ва ҳаётини қонунлар билан тартибга солинишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашига кафил шахс ҳисобланади.



Сулаймон ҲАЙДАРОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
ўқитувчиси:

— Америкада дунёда илгари мавжуд бўлмаган президентлик институтининг жорий қилинишида объектив ва субъектив сабаблар бўлган. Ушай пайтларда Америка иқтисодиёти таназулга юз тутган эди. Давлатни бошқариш, иқтисодиётни оёқга турғизиб олиш масаласи устидида узоқ бош қотирилган. Шунда президентлик институтини жорий қилиш



Даврон БЕКЖАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви
академияси ўқитувчиси:

— Мамлакатимизда президентлик институтини жорий қилинганди, унинг ваколатлари



Сотиболди БОБОКУЛОВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши эксперти, юридик
фанлар доктори, профессор:

— Сайловчи сайловга чиқар экан, унда «сайловга боришим, муносиб кўрган номзодимга овоз беришим лозим, менинг овозим аҳамиятга эга, ким, қандай инсон мамлакат раҳбарлигига



Баҳромжон ОБИДЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тўғри таъкидлагандек, овоз беришда ёш сайловчилар ҳам ўз фуқаролик бурчини чуқур ҳис қилиши, сиёсий ҳуқуқидан фойдаланиши ниҳоятда муҳимдир.

Биринчи марта овоз бераётган ёшлар келажагини ким билан тасаввур қила олади? Эртага ким уни қўллаб-қувват

ҳақида қарорга келинган. Бошқаруви тизимлаштириш орқали иқтисодий таназул ва сиёсий тангликдан чиқиб кетиш йўли танланган. Вақт ўтиши билан бу институт ўзини оқлади. Кейинчалик Лотин Америкаси, Европа, Осиё ва Африка давлатларида мазкур институт жорий этила бошланди. Ҳозирги кунда дунёнинг 140 дан ортиқ давлатида президентлик институтини амалда.

Ўзбекистонда президентлик институтини жорий қилинишида ҳам объектив, субъектив сабаблар бор. Утган асрнинг 90 йилларида собиқ совет тузumi таназул ёқасига келиб қолди. Бошқаруви тизими, иқтисодиёт турли муаммолар гирдобига фарқ бўлди. Давлат бошқаруви тубдан ислох қилиниши зарур эди. Шундай мураккаб даврда собиқ иттифоқда республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик институтини жорий қилинди. Натижада давлат ва жамият ҳаёти, тараққиёти билан боғлиқ ишларни идора

мутлақ эди. Хусусан, давлат ва жамиятнинг ҳамма соҳадаги ва тармоқлардаги ишлари ташкил этиш, келажакни қўлаб муҳим қарорлар қабул қилиш, миллий бирдамлигини таъминлаш, ташқи сиёсатининг концепцияси ва устувор йўналишларини белгилаш ва олиб бориш ҳамда бошқа кўпгина масалалар Президентнинг ваколатида эди.

Вақт ўтгани, Ўзбекистон мустақиллиги мустаҳкамлангани, мамлакат иқтисодиёти оёқга тургани, сиёсий бошқаруви тизими барқарорлашгани, одамларнинг онги ва тафаккури юксалиб, демократияни ривожлантириш учун шароит ётилгани сари мамлакатимизда давлат бошқаруви янада демократлашиб бормоқда.

сайланиши ҳақида мен ҳам ўз муносабатимни билдиришим зарур», деган фикр бўлиши керак. Ҳозир Ўзбекистонда 31 миллион аҳоли бўлса, 20 миллиондан ортиқ фуқаро сайловда иштирок этади. Улар жамиятдаги ўзгаришларни кузатиб, мамлакатимизда бўлаётган ислохотларни англаб турибди. Овоз бериш кунинда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ёш йигит-қиз эртанги кунини, мамлакат келажагини ишончли топиришга лойиқ номзодни қўллаб-қувватлаши зарур.

Факт ва рақамларга эътибор берсак, айрим давлатларда фуқароларнинг мамлакатдаги сиёсий жараёнларга қизиқиши, сайловларда иштирок этиш бўйича фаоллиги суъайиб бораётгани, яъни абсентеизм кўзга ташланади.

Мисол учун, 2012 йил Францияда бўлиб ўтган Президент

қилишнинг демократик, шунинг билан бирга, самарали тизими ташкил этила бошланди. Президентлик институтининг жорий қилиниши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий таназулдан олиб чиқишда ўта муҳим аҳамият касб этди. Айни чоғда мустақиллик сари ташланган ўта муҳим қадам бўлади.

Дунё давлатларида Президент турли тартибда сайланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида Президент Конгресс, Италияда парламент томонидан сайланади. Яъни, мазкур давлатларда фуқаролар бевосита сайловда иштирок этиб, тўғридан-тўғри овоз беради. Президентини улар сайлаган вакиллар сайлайди.

Дунёнинг бошқа бир қатор илғор мамлакатларида ҳам Президент парламент депутатлари томонидан сайланади. Мамлакатимизда эса Президент сайлови сайловчилар, яъни фуқароларнинг бевосита иштироки, умумий, тенг ва

Юртимизда икки палатали профессионал парламентнинг шакллантирилиши ҳокимиятлар бўлинишининг халқаро мезонлари ҳамда демократик тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш имконини яратмоқда. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари принциплар амалда рўйбга чиқмоқда. Сўнгги йилларда, яъни 2011 ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган қатор ўзгариш ҳамда қўшимчалар асосида давлат ҳокимияти бошқарувида жорий этилган қонунлар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Хусусан, Президентнинг айрым ваколатлари парламентга, Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Ижро ҳокимиятининг парламент олдидаги масъулияти оширилди. Шу билан бирга,

сайловда сайловчиларнинг 80 фоиздан кўпроги қатнашган. Бу кўрсаткич аввалги сайловга нисбатан 3 фоизга камдир. Финляндияда 2012 йил ўтган Президент сайловида эса 72,7 фоиз (олдинги сайловда 73,9 фоиз) сайловчи овоз берган. Грузияда 2013 йили ўтказилган сайловда 47 фоиз сайловчи қатнашган, 2008 йилги сайловда эса бу кўрсаткич 61 фоизни ташкил этган.

Демак, бу рақамлардан кўриниб турибдики, фуқароларнинг мамлакатдаги муҳим сиёсий жараёнга муносабат билдириш бўйича позицияси юқори эмас. Бу ўз-ўзидан сайлов натижаларига салбий таъсир этади.

Мамлакатимизда аҳоли сиёсий жараёнларда анча фаол қатнашиб келмоқда. Президент ва парламент сайловларида мунтазам равишда

тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тартибидида ўтади. Бу — умумий эътироф этилган демократик мезонларга, шунингдек, халқимизнинг менталитети ва қадриятларига ҳар жиҳатдан мос келади. Фуқаро сайлов кунини сайлов участкасига чиқиб, овоз бериш хонасида давлат, халқ раҳбари ким ва қандай одам бўлиши кераклиги ҳақида фикри, позициясини билдиради. Бу фуқароларнинг давлат бошқарувини ташкил этишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи амалга ошишига хизмат қилади.

Бунинг маъноси шундаки, давлат раҳбари халқ томонидан сайланади, ижтимоий келиб чиқиши, маънавий аҳоли, маънавий ва лавозимидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро фақат битта овозга эга бўлади. Мамлакат бошлигини сайлашда 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро қатнашади. Бу жараёнда бир неча миллион кишининг фикри, қарашини овози ҳисобга олинади.

Президентнинг давлат ҳокимияти бошқарувини демократик тамойиллар асосида олиб боришдаги роли ва аҳамияти мустаҳкамланмоқда. Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди, Олий Мажлисга мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловчилар ана шу жиҳатлар ҳақида ҳам атрофлиқ маълумотга эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Бу мамлакат раҳбари — Президент ҳақида тушунча ва тасаввур бойишида ўзига хос аҳамият касб этади.

сайловчиларнинг қарийб 90 фоизи овоз бермоқда. Масалан, ўтган йили декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда 89 фоиз сайловчи иштирок этади.

Бу рақамлар мамлакатимизда аҳолининг фуқаролик позицияси мустаҳкамлиги, халқимиз ўз келажагига бефарқ эмаслигини аниқлатади, албатта.

Юртимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этади. Бўлажак сайловчилар учун ҳам масъулиятли жараёнлар бўлиши зарур. Бу, айниқса, сайловда биринчи марта овоз бераётган йигит-қизлар учун жуда ҳаяжонли воқеа, шарафли вазифа. Бунинг ҳар бир ёш чуқур англаб етиши, кўнглидаги орзу-умидларини ўзи муносиб кўрадиган номзод билан болаши керак.

Шундай вазиятда мамлакат раҳбарини сайлаш, халқимизга бош бўладиган, давлатимиз хавфсизлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлай оладиган, тараққиётни юксалтириш, фаровонликни ошириш йўлида собит турадиган номзодга овоз бериш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Сайлов кунини сайлов участкасига чиқар эканми, бу ҳақда чуқур ўйлаб, мустақил фикрлаб овоз беришимиз зарур, деб ўйлайман.

Президент — бу давлат, мамлакат ва миллат тимсоли, мустақиллик ва тараққиёт таянчи. Сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, балки сайловчилар, яъни халқимиз учун ҳам катта синов, катта имтиҳондир. Сайлов кунини сайлов арақасига белги қўяр эканми, эртамиз, тақдиримиз қандай бўлишини ҳал этаётганимизни унутмаслигимиз лозим.

БУГУННИНГ ГАПИ

Март ойининг

ишончли ўн беш кунлигида об-ҳаво қандай бўлади!

Баҳорнинг илк ойи ҳисобланган март ойининг биринчи ўн кунлиги ҳам ортда қолди. Ушбу ой кутганимиздек ёмғирли кунлар билан бошланди. Баъзи ҳудудларда эса ёмғир аралаш қор ҳам ёғди. Март ойининг қолган кунларида, Наврўз айёми кунларида об-ҳаво қандай бўлиши барчани бирдек қизиқтириши табиий. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш хизматининг бош мутахассиси Равшаной АМИРҚУЛОВАга мурожаат қилдик.



— Одатда, мамлакатимизда йилнинг энг совуқ даври қиш фасли ҳисобланади, — дейди у. — Декабрь ва январь ойида республикаимиз ҳудудларида бир неча кун бўлса ҳам совуқ об-ҳаво кузатилади, ёмғир ва қор ёғди. Аммо ҳаво ҳарорати илқ бўлиб турди. Яна шуни айтиш мумкин, бу йилги қиш фаслининг об-ҳавоси ҳароратининг ўзгариш турганлиги ва ёғингарчиликлар нотекис тақсимланиши билан фарқланади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудларининг кўп қисмида қиш фаслида ёққан ёғингарчилик, яъни ёмғир ва қор меъёрдан кўп бўлди. Айниқса, пойтахтимизда февраль ойида ёғингарчилик миқдори олий миқдордан 2 баробар ортиқ экани кузатилди.

Бундан ташқари, қиш фаслидаги ёғингарчилик миқдори бўйича аномал қуруқ бўлмади, дейишимиз мумкин. Умуман олганда, декабрь ва январь ойларида ёққан ёғингарчилик ўртача меъёрдан кам бўлмади. Бироқ ёғингарчилик, асосан, ёмғир кўринишида кўпроқ ёғди.

Энди бевосита жорий йилимизнинг март ойига тўхталадиган бўлсак, ушбу ойда ёғингарчилик асосан, ёмғир кўринишида бўлади. Бироқ ҳар йили март ойида 1 ёки 2 мартабга қор ёғишига барчамиз гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат республикаимиз ҳудудларининг иқлими ўзига хослиги билан белгиланади. Юртимизда баҳор фасли бошланиши билан, яъни март ойининг биринчи ҳафтаида илқ ва қуруқ об-ҳаво кузатилади. Ҳаво ҳарорати кундуз кунлари 15-17 даража илқ бўлди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб эса, Европа ҳудудларининг, баъзи вақтларда Уралдан, хаттоки, ғарбий Сибирдан совуқ ҳаво оқими кириб келиши таъсирида ҳаво ҳарорати пайсаяиб, қор кўринишида ёғингарчилик ҳам бўлиб ўтди.

Совуқ ҳаво оқими кейинги кунларда республикаимиз ҳудудларини тарқ этади ва ҳаво ҳарорати жадал кўтарилади. Бироқ ойнинг иккинчи ярми бошида ҳаво ҳарорати бироз пайсаяиб совуқ бўлиши кутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёмғирли кунлар ҳали давом этиши кутилмоқда.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкин, пойтахтимизда охириги 5 йилнинг 3 йилида (2010, 2011 ва 2012 йиллар) 21 март кунинда қуруқ об-ҳаво кузатилган. Қолган 2 йилида эса (2013 ва 2014 йилда) ёмғир ёққан.

Тўлқин ТўРАХОНОВ
тайёрлади.

Тўштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 17 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун жорийли валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

■ 1 Австралия доллари	1895,10
■ 1 Англия фунт стерлинги	3657,62
■ 1 Дания кронаси	349,68
■ 1 БАА дирҳами	674,72
■ 1 АҚШ доллари	2478,23
■ 1 Миср фунти	325,01
■ 1 Исландия кронаси	17,72

■ 1 Канада доллари	1936,57
■ 1 Хитой юани	395,82
■ 1 Россия рубли	40,42
■ 1 Украина гривнаси	114,65
■ 1 Малайзия ринггити	668,53
■ 1 Польша злотийси	627,81
■ 1 СДР	3397,43

■ 1 Туркия лираси	943,55
■ 1 Швейцария франки	2465,16
■ 1 ЕВРО	2656,19
■ 10 Жанубий Корея вонини	21,86
■ 10 Япония иенаси	204,31

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмagan.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни



Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



СПОРТ

■ Чирчиқ шахрида юнорум кураши бўйича 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

КУЧЛИЛАР ЧИРЧИҚДА САРАЛАНДИ

Беллашувлар якунида Кувонч Тошназаров (29 кг, Самарканд), Аббор Отабоев (32 кг, Фарғона), Зайниддин Наширов (35 кг), Элдор Каримов (38 кг, иккиси ҳам Тошкент вилояти), Ойбек Шавкатов (42 кг), Акмал Акрамов (47 кг), Уринбой Қодиров (53 кг, барчаси Тошкент шаҳри), Асилбек Моутов (59 кг, Тошкент вило.), Барно Барноев (63 кг, Бухоро), Ергали Айхимбаев (66 кг, Тошкент вило.), Асадбек Ботуров (73 кг, Тошкент шаҳри), Абдулазиз Фуломқодиров (85 кг, Тошкент шаҳри)лар барча рақибларини енгиб, олтин медал билан тақдирландилар.

Кутилмаган натижалар

Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари янги мавсумни бошлади. Дастлабки тур баҳслари кутилмаган натижаларга бой бўлди.

Тошкентда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Пахтакор» футболчилари Тошкент вилоятининг «Олмалик» жамоаси билан дурдан ўйнади — 1:1. Бекободда ўтган «Металлург» — «Локомотив» жамоалари учрашувида ҳисоб очилмади — 0:0. Навоийда кечган «Қизилқум» — «Сўғдиёна» жамоалари учрашуви голларга бой бўлди. Унда қончилар жазаларини йирик ҳисобда мағлубиятга учратди — 4:1. Мазкур учрашулда мезбонлар ҳужумчиси Бахриддин Вохров рақиб дарвозасини уч бор ишғол этиб, чемпионатнинг ilk «хет-трики» муаллифи бўлди.

Дастлабки турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Насаф» (Қарши) — «Андижон» (Андижон) — 3:1, «Бунёдкор» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро) — 2:0, «Динамо» (Самарканд) — «Қўқон-1912» (Қўқон) — 0:1, «Навбахор» (Наманган) — «Машъал» (Муборак) — 0:2, «Нефтчи» (Фарғона) — «Шўртан» (Ғузор) — 1:1.

Эркин ХОЛБОВО

РЕКЛАМА

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармаси

қуйидаги объектни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз тумани «Истиқлол» МФЙ «Маслаҳаттепа» қишлоқ аҳоли пунктидаги узунлиги 1,0 км бўлган икки автомобиль йўлининг жорий таъмирлаш (код 09 120 ТҚК (187).

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 167,436 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 139,530 млн. сўм, қўрилш мuddати — 60 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилоят, Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармаси.

Манзили: Термиз тумани, Учқизил кўрғони, Тел/факс: +99894-261-02-02, +99895-650-99-47.

Объектнинг қўрилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қўрилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат «Қўрилиш-монтаж ташкилотлари реестрига киритилган қўрилиш ташкилотларининг ишлари этишга рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қарловатомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қўрилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳрланганда, мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қўнғига муюффиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат харидлари ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сон баённомаси қарорларига асосан ушбу объект танлов савдосида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар

учун квота миқдори 25 фоизни ташкил қилади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларида эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Сурхондарё вилоят, Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз тумани, Учқизил кўрғони. Тел./факс: +99894-261-02-02, +99895-650-99-47.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисида тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз тумани, Учқизил кўрғони, Термиз тумани Ободонлаштириш бошқармасида ўтказилади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Ucell билан орзулар сари

■ Пойтахтимиздаги «Next» савдо ва кўнгилолчар марказида «Ucell билан орзулар сари» акцияси ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Авалло, шунга айтиб ўтиш кераки, 3 ой давомида, яъни 2014 йилнинг 1 декабрдан 2015 йилнинг 22 февралига қадар ўтказилган акцияда бутун республикамиз бўйича 6 миллиондан ортиқ абонент рақами иштирок этди. Акция доирасида ҳар пайшанба соат 20:20да 12 та ўйин «Ёшлар» телеканалда тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Компания томонидан маиший ва электрон техника воситаларидан иборат 84 та ютуқ, шунингдек, 50 миллион сўмлик 11 та сертификат ва албатта, бош соврин — «Kia Sport age» русумидаги автомобиль ўз эгаларига топширилди.

Маросимда Ucell компанияси Бош директори Тону Грюнберг сўзга чиқди.

— Абонентларимиз Ucell томонидан ташкил этилаётган турли акцияларда фаол иштирок этаяётгани қувонарли ҳол, албатта, — деди Тону Грюнберг. — Бу биз янги ғоялар ва хизматларни тақдир этишимизда, янгиликларни амалда синхронизда, қизиқарли лойиҳаларни ташкил этишимизда муҳим роль

ўйнайди. Биз Ўзбекистон аҳолини нафақат алоқа ва Интернет хизматлари билан таъминлаймиз, балки абонентлар ҳаётининг ҳар бир кунига байрам кайфиятини олиб киришни истаймиз. Ушбу акцияда республика бўйича 6 миллиондан зиёд абонент иштирок этди. Бу бизга билдирилган ишончдан дарак. Албатта, биз абонентларимизнинг билдирган ишончини юксак баҳолаймиз ва қадраймиз. Мен 3 ой давомида биз билан орзу қилган катта бахтга айланаверсин. Биз ҳаётининг ҳар бир ўйинини онларингизга шерик бўлаётганимиздан жуда ҳам хурсандим!

Тақдирлаш маросими доирасида вилоятлардан келган ғолиб абонентлар яхши кайфият марказига таширф бўлишганига яна бир бор амин бўлишди. Ucell Бош директори Тону Грюнберг Қашқадарё вилоятидан таширф бўлган Аланазар Пирматовга бош соврин — «Kia Sport age»



русумли автомобиль калитини топширди.

Акция ғолиби Аланазар Пирматов ўз қувончи ва ҳаяжонини яшира олмади.

— Ҳар пайшанба куни «Ucell билан орзулар сари» акциясининг ҳар бир ўйинини оиламиз билан томоша қилар эдик ва бу уйимизда катта байрамга айланарди. Биз ўз автомобилимизга эга бўлишдек орзуимиз ушалайишга ишондик, умид қилдик. Бу мен ва оилам иштирок этган ilk акция ҳисобланади. Акция бўлиб ўтган 3 ой мобайнида ҳар биримиз катта ҳаяжонда эдик. Ucell шарофати билан хонадонимизда қўшалоқ байрам бўлди. Мен

60 ёшни қарши олдим, машина эса бу санага катта совгадир! Шундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этишини тилайман. Барча ғолибларни чин дилдан муборакбод этаман. Орзу қилишда давом этинг ва улар Ucell билан албатта амалга ошади!

Ҳар бир абонент ҳақида қайғурган ҳолда Ucell акциянинг фаол иштирокчиларига қўшимча бонуслар белгилади. Ғолиб абонентнинг сўнги 5 рақамига мос келган бошқа абонент рақами эгаларига, яъни 7 500 абонентга тармоқ ичида суҳбат, СМС ва Интернет учун — 50 минг сўм берилди. Акция натижаларига кўра, акция давомида



ҳисобини энг кўп маблагга тўлдирган биринчи 100 та абонентга 1 ГБ Интернет-трафик тақдим этилади.

— Менга кўнглим қилиб, ютуқ ҳақида хабар қилишганида, тўғриси, ишонмадим, — дейди Бўстонлиқ туманидан келган Хусниддин Музаффаров ҳаяжон билан. — Мен 50 миллион сўмлик сертификат ютиб олдим. Анчадан буён бир бизнес-режа ҳақида ўйлаб юрган эдим. Энди бу пулга уни амалга оширишим мумкин. Сиз ҳам орзу қилинг ва у албатта амалга ошади!

Шунингдек, Ucell ижтимоий тармоқларда #Ucellbox номли танлов ҳам ўтказди. Танлов шартлари оддий бўлиб, финал ўйинида иштирок этувчи абонентларнинг умумий сони топиш керак эди. Тақдирлаш маросими доирасида финал ўйинга қадар аниқ сонга энг яқин вариантни тақдим этган 2 нафар ғолибга 3G модемлар топширилди. Эслатиб ўта-миз, финал ўйинида ўз ҳисобини 2015 йилнинг 22 феврал санасига қадар 5000 сўм ва ундан кўпроқ маблагга тўлдирган 2 137 802 абонент рақами иштирок этди.

Музроб ОЛИМОВ

ОБ-ХАВО 17-18.03 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / -5 +10 / +15

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / +5 +10 / +15

Тошкент, Самарканд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +13 / +18

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+2 / +7 +15 / +20

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

0 / +5 +13 / +18

Тошкент шаҳри

-1 / +1 +13 / +15

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +17 / +14

Париж +18 / +19

Москва +9 / +9

Мадрид +17 / +12

Пекин +16 / +16

Канберра +26 / +29

Рим +14 / +19

Афина +13 / +11

Токио +20 / +18

Стокгольм +9 / +11

Кейптаун +31 / +26

Қохира +24 / +25

Гавана +30 / +29

Вашингтон +19 / +9

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot

agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruksati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359

21 236

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.35

Topshirilgan vaqti — 00.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133

7720107133006

1 2 3 4 5